

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

- Узбекистон пиллаксрлари 32 минг тоннадан кўпроқ пилла етиштирдилар. Бу режада белгиланганидан 2 минг 410 тонна ортиқдир.
- Узбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов бир гуруҳ олимларга фан ва техника соҳасида Абу Райхон Беруний номидаги Узбекистон Республикасининг давлат мукофотларини топширди.
- Узбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов республикага келган «Элф» нефть корпорацияси (Франция) ағаларидан бири Андрэ Гэлфи билан Халқаро олимпиада ҳаракати бюротмаларини бажараётган «Студио-6» Швейцария фирмасининг президенти Горан Такачи қабул қилди.
- Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ташкилий масалалар кўрилди. Бошқа ишга ўтганликлар муносабати билан Д. Н. Шамшатов Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси, А. Тоғжиев Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгашининг раиси вазифаларидан озод этилдилар. Илгари Таштакўпир район ҳокими бўлиб ишлаган Э.Улдиниёз Аширбеков Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси этиб сайланди.

Янгиликлар
Хабарлар

Олийғоҳда фермерлик бўлими

БУГУНГИ кунда жойларда ишбилармонлик ҳаракати кенг қулоқ ёзмоқда. Шу боисдан ушбу соҳа билан довларнинг кўплаб тайёрлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олийғоҳи ҳузурида махсус фермерлик бўлимининг очилгани айни мuddао бўлди. Уш фаолиятини янги ўқув йилидан бошлайдиган мазкур бўлим орқали фермерлар асосан икки йўналиш бўйича тайёрланади.

Ўқув машғулотларининг ҳам назарий, ҳам амалий томондан мукаммал бўлишини таъминлаш тадбирлари ҳам кўрилди. Янги ихтисослик бўйича алоҳида ўқув режаси ишлаб чиқилди. Шу режага биноан бўлажак фермерлар туپроқшунослик, чорвачилик, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ихтисослигининг муҳим томонлари билан яқиндан танишиб, пухта амалий кўникмага эга бўладилар. Улар шунингдек далачилик бўйича кичик корхоналар ташкил этишга ҳам ўргатиб борилади.

Воҳид ВАЛИЕВ.

Солиқдан озод қилинди

БОЗОР иқтисодиётида нарх-наво инсон иродасига ва хоҳишга бўйсунмайди, лекин у билан чамбарчас боғлиқ нарса экан, бугун бизда нархлар эркинлашгани сари қимматчилик авж олипти. Бунинг устига солиқлар ҳам ортиб бормоқда. Халқ хўжалигининг оғир ва ёнги сановатдаги кўпгина маҳнат жамоваларининг янги иқтисодиётдаги ҳақ ва ҳуқуқлари ҳали тўла шаклланимаганга ўхшайди. Бу масала кунин кечин поайтада бўлиб ўтган республика насаба уюшмаларини Федерацияси Кенгаши фаолиятининг икки кунлик семинарида ҳам кўриб чиқилди. Фаоллар маҳнат-нашларнинг иқтисодий ҳақ ва ҳуқуқларига таваллуқли 80 дан ортиқ қонунарни кўрдилар.

«Қорхоналардан олинадиган солиқлар ҳақида» қонуни қабул қилинаётганда ақолининг иқтисодий ҳақларининг қондоридиган қорхоналар солиқдан озод этилиши назарга олинди, санаторий-курорт ва даволашни ҳамда савҳат хизматини ўтайдиган, физкультура ва спорт ташкилотлари, ўқувчилар лагерлари қўшимча солиқдан озод қилинди.

Республика касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатида нарх-навонинг эркинлашиши муносабати билан ҳар бир тузилган болага 750 сўм сунони пула, жаноза маросимини ўтказиш учун 500 сўм ўқидам пули бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

Суннат АЗЛАРОВ.

«НАФИС»НИНГ НАФОСАТИ

ЖУМҲУРИЯТ болалар жамағатига қарашли бу кўргазма зали яхши ният бўлиб «Нафис» деб аталди. Нафосат маркази ўқувчилар қорхонаси янгиликларининг дастлабки бежирим ва мўъжаз бўюмларини тайёрлашга киришти.

Тикувчилик бўюмлари ёш чеварларнинг қўллари бир-мунча мураккаб кийим-кечакларни тикишга келишиб қолганлигини кўрсатди. Ўқувчиларнинг қўлидан чиққан турли либослар махсус театрлаштирилган сахна орқали намойиш қилинди.

Ўқувчилар қорхонасида юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бу каби бўюмларнинг бири неча намунаси «Мисс-Нафис» талови учун тайёрлаб қўйилди.

Саодат ОДИЛОВА.


Ер ости қасри қурилишида

Энг аввало шунини айтиш керакки, йўловчилар учун энг қулай транспорт воситаси метро ҳисобланади. Чунки уни бошқа ер усти транспортларига ўхшаб баъзан соатлаб кутмайси. Ундан кейин ер ости қасри ичи қишда иссиқ, ёзда салқин. Янги ёзининг жазирама иссиқда ер ости йўлига тушган кишининг дили яйраб кетади.

Ҳозирги кунда метронинг Чилонзор ва Узбекистон йўналишлари бўйлаб кунинга қанчадан-қанча йўловчилар ташилмоқда. Айни пайтда ер ости қасрининг Юнусобод йўналишида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Қурилиш материалларининг тақчиллиги, устига-устак шу хом ашёларнинг нархи ҳаддан ташқари ошиб кетганлиги метросозларга ҳам таъсир қилмай қолмади. Лекин қурувчилар бор имкониятларини ишга солиб метронинг учинчи йўлини ўз вақтида топширишга ҳаракат қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: Юнусобод йўналишидаги «Лохутий» бекати қурилишидан лавҳалар. Рустам Шарипов суратлари.



ШУ ЙИЛ 10 июнь кунини бўлиб ўтган Маслаҳат кенгашининг мажлисида

ШУ ЙИЛ 10 июнь кунини бўлиб ўтган Маслаҳат кенгашининг мажлисида уй-жойларни хусусийлаштиришга тарафдор бўлиш ва унинг ўтказиш тўғрисидаги масала қараб чиқилди. Шу масала юзасидан Тошкент шаҳар Ҳокимиятининг ўринбосари, иқтисодиёт мажмуининг раҳбари Ш. Ҳ. Нисозов ахборот берди. У уй-жойларни хусусийлаштиришга тарафдор бўлиш ва унинг ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тизилганлигини, бу гуруҳ фаолият билан иш олиб бораётганлигини айтди. Ишчи гуруҳнинг аъзолари Москва, Санкт-Петербургда, Россиянинг бошқа шаҳарлари ва МДҲ мамлакатларида уй-жойларни хусусийлаштириш бўйича тўпланган тажрибаларни умумлаштирдилар. Республиканинг шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда Тошкент шаҳрида уй-жойларни хусусийлаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Мажлисида шу нарса таъкидландики, бу ишни тезлаштириш керак, шу оғирини ўзида тошкентликларни шаҳарда уй-жойларни хусусийлаштириш шарт-шароитларидан бохабар қилиш даркор.

Тошкент шаҳар Ҳокимиятининг ўринбосари, сановат, транспорт ва алоқа мажмуининг раҳбари Ю. А. Асепков Маслаҳат кенгаши аъзоларини пассажир транспортини бошқаришни таъкидлаштириш мақсадида эълон қилинган республика Президентининг

Фармони асосида Тошкент шаҳрида Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси, Тошкент метрополитени, Тошкент шаҳар пассажир транспорти бирлашмаси — «Ташгорпассавтотранс» негизига давлат пассажир транспорти уюшмаси ташкил этилганлигини таъкид қилди.

лаштириш ва ана шу асосларда район бўғинларининг ҳуқуқ ва вазифаларини кенгайтириш тақлиф этилмоқда. Бунда марказлаштирилган режалаштириш ва тақлиф бўлмайдиган шартларда ҳолати қолмайдиган уй-жой хизматлари ва бўғинлари қисқартирилади.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАКЛЛАНМОҚДА
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ҲУЗУРИДАГИ
МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАН

Маслаҳат кенгашининг мажлисида Тошкент шаҳридаги турар жой-қондоридиган идораларни қайтадан ташкил этиш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди. Ана шу масала юзасидан ахборот берган Тошкент шаҳар Ҳокимиятининг ўринбосари, уй-жой-коммунал ва энергетика мажмуининг раҳбари Р. Ҳ. Қиқматуллаев таъкидлаганидек шаҳар уй-жой бошқармасини бозор иқтисодиёти шароитларига жавоб берадиган идорани қайтадан ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун уй-жой идоралари хизматини марказ-

лаштириш ва ана шу асосларда район бўғинларининг ҳуқуқ ва вазифаларини кенгайтириш тақлиф этилмоқда. Бунда марказлаштирилган режалаштириш ва тақлиф бўлмайдиган шартларда ҳолати қолмайдиган уй-жой хизматлари ва бўғинлари қисқартирилади.

Турар жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш, бирлашмаларнинг маъмурияти ва раёонларини ҳокимият турар жой идоралари билан меҳнат муносабатларида бўлмас ҳам яшаётган шахсларни турар жой хизмат биноларини бўшатиб беришга юзасидан ўз вақтида ва

етарли чора-тадбирларни кўриштирилди. Бу борада Бектемир, Собир Раҳимов, Акмал Икромов, Миробод, Мирзо Улуғбек, Ҳамза районларида аҳоли айланиши ёмон.

Районларнинг ҳокимларига шаҳар уй-жой бошқармаси ва турар жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмаларининг раҳбарлари билан биргаликда бир ой мuddат ичда ана шу масалани синчиқлаб қараб чиқиш, юқорида санаб ўтилган қондоридиган бўлажак чора-тадбирлар белгиланган вазифаси юқланди.

Маслаҳат кенгашининг мажлисида яна бошқа масалалар ҳам қараб чиқилди.

Мажлисини Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков олиб борди.

ТОҚҚА ЧИҚМАСАНГ ДЎЛОНА ҚАЙДА

ТАҚЛИФ қилди» фильмларини суратга олиш режалаштирилган.

Уруғча киносаҳатчилар уюшмаси президенти Борн Хўжаев бошчилиги қилди. Суратга олишга оператор Баҳолидир Гибёхўжаев бошқариб, ҳайдовчилиги Ботир Хўжаев ўз бўлинига олган. Ботирнинг қўлидан суратга олиш ҳам келади. Дароқе, масъулиятли ва машаққатли сафарга отланган учлада мухтаassis сайёҳлар ҳайдовчи-

ни ташкил қилишни талаб этилди. Бу йил жуда катта қўйинчиликларини бошимиздан кечиримиз. Нарх-навонинг бетўхтов ўсиши, эски битимларнинг бажарилиши шартли бизнинг ташкилотни анча мураккаб аҳолига солиб қўйди. Виз экскурсантларнинг турдан бирини қисқартиришга мажбур бўлдик. Келаятган сайёҳларнинг оқини ўтган йилга нисбатан учдан бирга камайд. Халқимиз тоққа чиқмасанг дўлона қайда, деб беизиз айтганам. Буюк ипак йўлини ўрганиш, суратга олиш ҳозир жуда муҳим тадбирлардан биридир. Бу ҳаракат мақсад сари қўйилган яқдил қадамдир.

Султон ЙҮЛДОШЕВ.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА

ТОШКЕНТ кимё-технология олийғоҳи тоилларнинг чуқур билимли, ўз ишининг билимдорли ва бозор иқтисодиёти даврида ишлашга тўла лаъқатли бўлишларини ҳисобга олган ҳолда ўзиде лицей-интернат ташкил қилди. Бу ишдан асосий мақсад турли вилоятлардаги қорхоналарнинг мухтаassisларга бўлган талабини қондориди бўлиб, лицейга ўқишга жалб қилинган ўқувчилар вилоятлардаги кимё қорхоналари ишчи ҳамда хизматчиларнинг фарзандларидир. Лицей-интернат ташкил қилиш ва хизматларининг асосий қисмини кўтаришни республика кимё қондориди ўз устига олганлиги диққатга сазовор. Навоий, Олмалик, Фарғона, Тошкент ва бошқа вилоятлардан қабул қилинган ўқувчилар 10 ва 11-синф ҳамда иккинчи йилда Чирчиқ шаҳрида яшаб оладилар. Дарсларини олийғоҳнинг етук доцент ва ўқитувчилари олиб борадилар. Лицей-интернатда қирқдан ортиқ йиғит-қизлар билим олишиб, олийғоҳнинг турли куллиётлардаги ихтисосликларга кириб ўқишга жалб қилинадилар.

Қудрат АҲМЕРОВ.

Шатранж оламида

КУТИЛМАГАН МУВАФФАҚИЯТ

ШАХМАТ бўйича Манилада ўтказилган Олимпиада мусобақасида узбекистонлик шахматчилар анча шов-шуга сабаб бўлмоқдалар. Биринчи тур мазор-бонлар билан ўтказган спортчиларимиз 3,5:05 ҳисобида галаба қозонганлариде бу ютуқнинг сабабини кўпчилик мухтаassisлар Филиппин шахмат жамоасининг анча кучсизлигига йўйгандилар. Аммо улар нелмс шахмат усталарини 2,5:1,5 ҳисобида енгиларида кўпчилигининг эътиборини ўзларига қаратдилар. Ҳамюртларимиз Индонезия жамоасининг 3,5:05 ҳисобида мағлубиятига учратганлариде бу катта беллашувага жиддий тайёргарлик кўрганиларини амалда исботладилар. Улар охириги турда бол-ғор шахматчиларини 2,5:1,5 ҳисобида доғда қолдириб, жадалда қоронбонлиги қилмаётган россиялик шахматчилардан кейинги ўринга чиқиб олдилар. Шундай қилиб Россия жамоасида 12 очко, Узбекистон жамоасида ҳам шунча очко жағларилган, кейинги 3—8-ўринларда қалаётган олти жамоаларда 11,5 тедан очко бор.

Собир ҲАЛИМОВ.



УЙИНЛАР КЕСКИН УТМОҚДА

ФУТБОЛ бўйича Европада биринчилиги айни авжига чиқди. Иккинчи бўлиб «А» гуруҳи командалари 2-тур ўйинларини ўтказишти.

Дастлаб майдонга тушган Англия — Франция терма командаларининг ўйини кескин ва муросанга тусида ўтди. Турчи ўйин биринчи учун аъванавий 0:0 ҳисобида тураган бўлсада, «Малме» стадионга тўпланган 27000 томошанин ўйин мазмунидан қулни тўлди. Ўйин тугашига бир неча дақиқа қолганида англика Пирсинг жаримадан тенган тўпи французлар дарвозасининг тўсинига теғди. Азе ҳолда...

Стокгольмдаги «Росунда» ўйингоҳида майдон ағалари Дания футболчилари билан беллашдилар. Ўйиннинг биринчи ярмида ҳисоб очилмади. Таннаффусдан кейин, 59-дақиқада Далин — Ингесон — Брулиннинг ҳаракати муваффақиятли яқуланди. 22 ёшли умидли швед ҳужумчиси тўпни данияликларнинг дарвозасига киритди 1:0. Энди улар биринчи гуруҳда яқна пешқадим бўлиб олишди.

Комил НУРМУҲАМЕДОВ.

САВОБЛИ САФАР

КУНИ неча пойтахтининг Акмал Икромов районда истиқомат қилувчи 50 нафар кенсалар, маҳалла фаоллари ва қўнмта раислари Туркистондаги Хўжа Аҳмад Ясавий мабарафини зиёрат қилиб қайтидилар. Улар яна Арслонбобда, Иброҳим ота мабарафини ҳам бўлдилар. Бу хайрли ишга маблағини район иқроия қўмитаси ажратди. Бу савабли сафардан яна бир мақсад қўшни Қозғистон республикаси халқлари билан қардошлиқ ришталарини яқна муостақамлашдан иборатдир.

Саид АЗИЗ.

Нуктаи назар

ЯХШИЛАР ҲИДОЯТ САРИ БОШЛАСАЛАР...

«Отанг бозор онанг бозор. Халқимиз минг йиллардан бери айтиб келадиган бу доно нақла кура тилимизда қадим-қадимдан истифода этиладиган «бозор» сўзи бизга бегона эмас. Шунинг учун ҳам «Забек тилининг изохли лугати»да «Бозор сўзининг бешта маъноси берилган: 1. Бозор — аҳоли савдо-сотиқ қиладиган махсус жой; 2. Бозор — савдо-сотиқ қилмайдиган куя; 3. Бозор — шовқин-сурон, тартибсизлик ҳолати; 4. Бозор — мол (буюм) алмашинув маъноси — яъни бозор, ташиқ бозор, жаҳон бозори; 5. Бозор — одамларнинг исми.

Бозор инсон каби энг қадимий рўё бўлиб, у ҳақда халқ не-не аjoyиб ривоятлар, ҳикоятлар, афсоналар, нақллар тўқиди...

Қадимги китобларда Хоразм, Сўғд, Бақтрия, кейинчалик Турон-Мовароуннаҳр, яъни даврларда Марказий Осиё ёки Урта Осиё деб юритилган бошланган бу кўна юрт — Ватанинг ҳар заррас олтинга тенг қадри турғо, қанчалик кўна бўлса, унинг халқи, касб-корини, иқтисоди, маданияти, жумладан, савдоси — бозори ҳам шунча қадимийдир. Қадим аждодларимиз сугорма деҳқончилигини ўрганиб олгандан сўнг сув иштиотлари, уй-жой иморатлари, кўшклар, кўрғонлар қурдилар. Шаҳарлар ва қалъалар юзга келди. Хунариандчилик касб-корга айланган. Тошни эритиб шиша, конлар очиб олти, маъдан-жавоҳирлардан зеб-зийнатлар тайёрладилар... ва пешона тери билан меҳнат қилиб топган нарсаларини қаровона юқлаб яқин ва узоқ жойлардаги бозорларга йўл олдилар.

Алалхусус, бозор халқимиз моддий ва маънавий ҳаётининг кўзгуси бўлиб келгани рост. Бозор ҳақиқий бозор бўлиши учун бизга биринчи навбатда мустакил ҳолда иш юритиш, таваққулчилик қилиш қобилиятига эга ишбилармонлар керак. Яна шундай мустақкам мулкчилик керак, эртага ҳеч ким уни мусодара қилмаслигига ишонч бўлиши. Шу ўринда савол туғилади. Бу юртда инқилобдан аввал ишбилармонлар бормиди? Мулкчилик, фойда ҳақида бу юрт одамлари ҳам ўйлашармиди? Албатта, бор эди, уйлашарди. Шўролар замонида ишбилармонлар йўқ-сулларга айланганлиги, мулкни мусодара — талон-тарож қилинганлиги энди-энди тан олаётимиз. Одамлар қалбидаги мулкка, иқтисодга, сивасатга, маданиятга, ҳошимиятга бўлган «эътиқод, ишонч» ва умид кўприги бузилиб, ўрнига «Навбат, тақчиллик, йўқсулликнинг қил арқони тортиди. Қил арқонда юриш эса ўта хавфли... Диний баҳорларда қил арқон дўзах азоби дарвозасига элтүвчи аросат кўприги, деб айтади. Шўролар замонида ишбилармонлар, мулкчилик худди шу аросатнинг қил арқони кўприги устидаги «навбатларга» кулларнинг қўларини боғлагандай, тизилтириб қўйилганда: уй олишга навбат, машина олишга навбат, касалхонага ётишга навбат, ари-ҳол айтишга навбат... Бизда сон-саноксиз «навбат» қондалари ишлаб чиқилган. Бизда навбатда турмаган одамнинг ўзи йўқ... Қарга қараман навбат. Бир бухона нон, юз грамм сариёғ, ўн дона туҳум олиш учун ҳам навбат.

Чорак асрдан бери Тошкент кўчаларида, дўконларида савдо-навбатларини кузатаман. Атрофда бақир-чақир. Сотувчи йангит деген эса бамайилхотир уриб қолаверди: туҳумни, узум-олма, ачиқти, бодиринг, помидор, лимон... Оз олсанми, кўп олсанми, унга барйор. «Сенам одамми?» дегандай кўзини бақрайтириб тураверади. Чунки кузук маош билан бола-чақа боқиб бўлмайди. Шу боис кўз бебақ айланган, номус ҳисси уйлган, гурур шуури, уят, орият сурури ҳам сўнган.

Еши катта-кичик сотувчидан бир оғиз ширин қалом эшитганда, бир-нисқол эҳтиром кўрганга кўнглинг тоғдай қўзғилиб, боғдай йиғиб кетасан, киши. Наҳотки, «Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда» замонлардан бир қадам силжмаган бўлсак?!

Уз тарихидан, урф-одатларидан, маънавий меросдан маҳрум этилган халқнинг аҳволи бу!..

Савдо-сотиқ маданиятини, ички ва ташқи бозорини, мингларча хўнаро-но санъатини, зироатини чақа пилга сотиб, бир умрик пахта кулга айланган, борига ҳам, йўрига ҳам қаноат қилишга ўрганган, ўн емай, ўн киймай бор-будини ҳада қилиб юборган халқнинг аҳволи бу!..

«Кимнинг аравадига тушсанг, ўшанинг ашуласини айтсан» деган халқ нақлида баҳорат қилинганда, йўқ-суллар аравадига тушган зиедилар ҳам, хизматчилар ҳам йўқсуллар ногорасини чала-чала қўли тоғди. «Яша, Шўро!» Партиян маҳднингни куйайди», «Коммунизм — бахт кўрғони», ашуласини айта-айта томоғи бўғилди...

Йўқсуллар диктатурасти инқилобдан сўнг 80-йиллар ўрталаригагача сиёсий таъзиқни асосий йўл, деб билдилар. Қайта қуриш, ошкоралик замонида сиёсий таъзиқ иқтисодий таъзиқ билан ўриш алмашди. Омборларда, дўконлар, пештахталарда савдо ётган совиқ йўқ, синарет йўқ, туз, гурут тақчила, кийим-кечак, газмол, поёбазал, рўзгор асбоблари — шўро фуқаросининг кундалик моддий ва маънавий аҳтиёгига нимаки зарур бўлса, ўша нарса йўқ! Истеъмол бозорларининг ранги ўчган — ҳамма нарса гиромлар қўлига кўчган...

Жаҳона машҳур иқтисодчи В. В. Леонтьев шундай дейди: «Сизларда яшаш шароити оғирлашапти, корхоналар ўта ёмон ишлапти. Ҳозирги кунда энг муҳими халққа гамаҳурилик қилиш. Унга тузукроқ оғат топиб бериш. Чунки, ҳар қандай демократик давлатда гамаҳурилик бўлмаса, у бу ҳокимиятдан воз кечди. Кўн кеириш даражаси тез ўнлаана боради. Мен совет ҳукумати ўрнида бўлганимда қара-ҳавола қилиб бўлсада, аҳолининг қорнини тўйгазишга ҳаракат қилар эдим. Ва қисқа вақт ичида ўз уйимни тартибга келтиришга ҳаракат қилардим. Хўсуий ишбилармонликка тўла эришилди бериб, ўз фирмани ҳеч кимга тиқштирмасдан, ҳеч кимни солиқлар билан бўғмасдан тартибга келтирдим...

Сизлар кўпинча ислохот чеграсини белгилай олмай-сизлар. Аниқ натижани чиқиб, уни ҳисоблаб чиқмайсиз. Энг муҳими аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилиш керак.

— Бизда ҳатто қўшма корхоналарнинг катта фойда олишдан ҳам кўришади — луқма ташлаган эди бу суҳбатни уюштирган муҳбир.

— Улар қанча кўп даромад қилса — сизга шунча яқин. Яъни сизнинг улуғлигинг ҳам шунча юқори бўлади. Уларни фойда олишга қизиқтириш мақсадда ўз махсулотини четга чиқариш учун ариямас солиқ билан имконият яратиб бериш керак. Кўпроқ қизиқтириш шарт. Бундан келадиган фойда юқори бўлади. Бунга меннинг ишончим қомил. Сизларда ҳокимиятин кўз қорачиндек асрайдилар. Давлатнинг одамлари ҳаётнинг тараққиётига тўсиқчилик қилаётдилар. Битта назоратчи бўлиши керак, у ҳам бўлса қонун.

Манфаатлар мос келмаган ўринлар 20—30—50-йиллар тарихимиздан истаганча топилади, ҳозир ҳам баъзан қонли тўқнашулар бўлиб турибди... Зора, бозор иқтисодиди бу кўргулиларга барҳам беради?! «Отанг бозор, онанг бозор!» халқ нақли қалбимиз торларидан ўзга бир оғанг билан тибрансан! «Отанг бозор, онанг бозор!» халқ нақли тарағиллашган асабларни юмшата, қўлдуратган қоринга моддий лаззат, қафасда қийнаётган қалб қушига маънавий шуур, шиқнат, куч-гайрат ато этса. Аллоҳдан иноят бўлса, йратганинг олдида жамки мушкулот осони Яхшилар ҳидоят йўлига бошласалар зулмат ўрнини нур босай...

Ғулом ҒАФУРОВ.



Чинни идишларга сифатли гул солиш, шунинг билан бирга унда миллийликни сақлаб қўлиш ниҳоятда машаққатли иш эканлиги ҳаммамизга маълум. Лекин Тошкент чинни заводда 1974 йилдан бери ишлаб келётган мусаввир Салима Аминова бунинг удда-

сидан чиқади. Ҳозир у корхонада тайёрланган кўшлар чинни буюмларнинг сифатли чиқишига эришмоқда.

СУРАТДА: Салима Аминова иш устида.

Андрей Пиншенко суратлари.

ТАРИХИМИЗНИ чуқур ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўрта мактабларда Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишга ажратилган дарс соатларини кўпайтириш билан дастлабки иқобий қадимдан ташлади. Олий ўқув юрталарида малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнида ўқитиш керак бўлган тарих кўпгина баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бундай бўлиши табиий бир ҳол. Чунки кенг жамоатчилик фикри ўрганишимиз керак бўлган тарихимизнинг қанчалик тўғри йўл танлиниши учун аҳамиятлидир.

Туркистон, кейинчалик эса Ўзбекистон деб юритиб келдик. Масалан, 1977 йил Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон тарихи» курси дастурда «Мўғуллар ҳукмронлигига қарши курашда Ўзбекистон халқлари» (9-бўғда) деган мазмуни бор, эки Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг педагогика олий ўқув юрталари тарих факультетлари учун тасдиқланган ўқув дастурини (1983 йил) шундай номланган мазмуни мавқуд: «Урта Осиёнинг Россия империяси составида» (21-бет). Мазмулар-

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тарихи курсини ўқитиш билан бу курсга оид билимларни муштаққиллашда, «Сий-сатимиз сиймолари» махсус курсини ҳам ўқитиш лозимдир. Бу махсус курсда узоқ йиллар давомида қадимдан эл назарига тушган мутафаккирларни реакционер, ватанпарварларни миллатчи, ҳукмдорларни босқинчи, қонхўр деган тамгалардан халос этамиз. Ана шундай арборларнинг фаолияти ва дунёқара-шини ҳаққоний таҳлил этиш орқали улар яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият тўғрисидаги зарур билимларни беришга ҳам имкон туғилади. Бунда асосан шўролар даврида ноҳақ қатағон қилинган ҳақида кенгроқ сўз юритилди. Булардан ташқари, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тарихи курсини ўқитиш ҳусусида гапирганда, биринчи селда талабаларнинг янги фикрлар, адабиётлар, мақолалардаги Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тарихига оид маълумотлар билан мунтазам таъиништириб бориш, адабиётлар ва манбалар устида кўпроқ мустакил ишлашни йўлга қўйиш, дарсларни савол-жавоб тарзда ўтиш ва ҳоказоларга асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади. Бундан ташқари ушбу курсга ажратилган соатлар ҳам ундаги мазмуларни ўлаштиришда муҳим ўрни тутайди. Лекин ҳозирги пайтда ўқитиладиган ва бир қадар торроқ мазмуларни ўз ичига олган «Ўзбекистон сиёсий тарихи» курсига ажратилган соатлар фақат номигагина бўлиб, бу соатлар билан мазкур курсга (Ўзбекистон сиёсий тарихи) оид билимлар қай даражада берилиши ҳеч кимга сир эмас. Айни пайтда муаллимлик олий ўқув юрталарида рус тилида таълим олувчилар учун ўзбек тилининг ўқити-лишига 240 соат ажратилган. Ўзбекистон сиёсий тарихига эса шу соатларнинг яри ҳам тўғри келмайди. Бундай ҳол ҳеч қандай мамлакатнинг амалиётида йўқ. Эки бизнинг тарихимиз «ғуна аҳамияти» бўлмаган халқ тарихиди? Хуллас, бу масалада жиддий ўйлаб кўрадиган вақт келди, деб ҳисоблаймиз. Биз улкан бунёдкорлик, янгиликлар, тараққиёт арасида туриб-миз. Бу масъулиятни даврда тўғри тараққиёт йўлини танлаш келажак истиқболимиз учун аҳамиятлидир. Бундай йўл тарихимиздан тўғри сабоқ олишни таъжоз қилади.

Самед ТУРАЕВ, Низомий номли Тошкент давлат муаллимлик олийгоҳининг катта муаллими, тарих фанлари номзоди.

Мамаражаб ХУЖАМОВ, илмий ходим.

Кўпнинг кенашига ТАРАҚҚИЁТНИНГ Тўғри йўли

Тарихга оид ўқув режасига тавсия қилинётган дастурлар орасида Тошкент Давлат дорилфунуни қошидаги ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш илмоғи томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон сиёсий тарихи» курсининг дастури ўзининг мукамаллиги, изчиллиги билан ажралиб туради. Бизнинг назаримизда бу курсни дунёнинг галда «Ўзбекистон сиёсий тарихи» деган махсус курсни ўқитишдан бош-лаш керак. Бу махсус курснинг ҳажми 10—12 соатга мўлжалланиб, унда Ўзбекистоннинг дунё сиёсий тарихида тугган ўрни, тараққиёт йўналишининг асосий йўллари, бошқа хорижий мамлакатлар билан амалга оширилган иқтисодий ва фан-техника соҳасидаги ҳамкорликларни тўғрисида маълумотлар берилади. Жаҳон тараққиётида Ўзбекистоннинг тугган ўрни таҳлил қилинади.

Аммо унда халқимизнинг қадимдан то XIX асргача бўлган тарихига кел соат ажратилган, бу эса бий тарихий меросга эга бўлган халқларимиз тарихини брита-шда яна чегаралишга олиб кел-ди. Курснинг номи ҳақида тўхтайдиган бўлсак, ҳеч ким-га сир эмаски, узоқ йиллар мобайинда Ўзбекистон тарихи-да ноҳолис ёндошганини, шу ҳолда даврларга бўлиб ўргатиб келинганлиги эслаб ўтишимиз зарур. Шунингдек, тарихимизнинг турли даврлар бўйича аввалига Урта Осиё, лозим.

нинг бундай чегараланган тарминлар билан пела-партш номлашни бу курсга бўлган қизиқишни сусайтиради. Шунинг учун биз мустакил давлат бўлсанда курснинг номи-ни «Ўзбекистон сиёсий тарихи» деб аташак, бизнингча у тор маънодаги номлашни бўлиб қолади. Курснинг номи «Ватан ижтимоий тарихи» деб номлашни мақсадага мувофиқдир. Шунда ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди қачон, қандай аталган бўлса, уни шундай номлаш мантиқан тўғри бўларди. Шунингдек, асрлар давомида тақдирини бир-бири билан боғлиқ бўлган Урта Осиё халқлари тарихини қисман бўлиб, бир-бири билан боғлаб ўрганишга кенгроқ имкон яратилган бўлур эди.

Биз ўқитмоқчи бўлаётган курснинг асосий йўналишлари кўйидаги масалаларга қарати-лмоғи лозим: биринчидан, курснинг ўрганиш объекти тўлиқ асосланган ва маълум саналар бўйича чегараланган бўлиши керак. Иккинчидан, бу курсда ўқитиладиган бар-ча материаллар чуқур илмий-лиқка асосланган ва ҳамма учун тушунарли бўлмоғи ло-зим; учинчидан, улар жаҳон, айниқса Урта Осиё халқлари тарихи билан чамбарчас боғ-лиқ бўлиши зарур; тўртинчи-дан, бу курснинг ўқув дасту-ридаги мазмулар қадимдан халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари руҳи билан чу-қур сўғорилган бўлмоғи бўйича аввалига Урта Осиё, лозим.

Самед ТУРАЕВ, Низомий номли Тошкент давлат муаллимлик олийгоҳининг катта муаллими, тарих фанлари номзоди.

Мамаражаб ХУЖАМОВ, илмий ходим.

УЗИМИЗНИ таниб, ота-боболари-миздан мерос қолган урф-одатлар-га қайта бошладик. Асрлар сил-ласидан ўтиб, вақт тошида чарқ-лилаб бизгача етиб келган қад-рларимиз инсоннинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қили-шини эндиғина англаб етмаймиз. Афсуски, биз маъдуликка берилиб ўтиш ҳақида гап кетганда қаҳ-қатига тош отишга одалганиб қолган эканмиз. «Утмишнингнн хўрасанг болам, келажакнингнн эспамайди ҳам» дейишган фозиллар. Доно гап. Гўё аждодларимиз шу аждога ту-шиб қолишимизни сезишгану бизни оғохлатиришгандек.

Узоқ ўтмишни эмас, болалигимни кўз олдимга келтирсам одамлар-нинг нақадар инсофли, иймонли бўлганлигига ишонч ҳосил қила-ман. Чунки илгарилари ҳеч бир хонадон соҳибизнинг кулф осма-с эди. Бозор ва савдо рсталари-ни да одамларнинг хушмуомалели-ги ҳақида гапирсанг гўё эртадек бўлиб туюлади ҳозир.

Бугун-чи! Атрофимга кўз ташлаб галати манзарага дуч келаман. Хонадонлар темир зинк ва темир пилкара билан ўралган. Болалигим билан бугунги ўртасида шунча фарқот, шунча фарқ, ўзгарди... Хавл олиб ёчодай. Эртанг, келажак-га қандай бўлар экан!.. Кўнглим севаяпти, ҳаммаси яхши бўлади, Аллоҳга шукрлар бўлсинки, халқим-из яна дину диниятга, инсофга қайтапти. Қайтиш жараёни гоятда тез ва мушкул бормоқда. Алиқини унутганларни тарбиялаш қорин-и, мулалар учун қанчалик осон эки кийин эканлигини билмадиму би-роқ биз миллияни ҳодимлар учун кийин келмоқда. Эҳтимол киндир динга миллиянингнн нима олоқиси бор дея таажноуб билан өлка қи-

сар. Бунга у бир томонлама ҳақли. Утмишда бизда номхорам аёлга тикилиш гуноҳ эсим ҳисобланган. Бугун-чи! Аксинча гуноҳини унутдик. Халқимиз учун ёт бўлган иллат — фохсиёбозлик юртимизга кириб келди. Мадраса-ю масжидлар қай-та таъмирланган кутлуг кунлар-да кўна Шошимизда бу иллатнинг

Аччиқ, аммо оқиш гап ЭШИКЛАРИМИЗ ҚУЛФСИЗ БЎЛСИН

чуқур илдиз отиб, ёшлар тарбияси-га салбий таъсир этишига йўл қўймаслигини зарур. Шу мақсад-да Ички ишлар идораларида янги бўлимиш — «Ёшлар одоб-ахлоқи» доррасида ишловчи бўлишимиз таш-кил этилди. Мазкур бўлимиш «Сау-на», «Видеосалон» ва маҳмонхоналар ишини назорат қилиб боради. Чун-ки ҳеч кимга сир эмаски, хорижий мамлакатлардан турли йўллр бил-ан кириб келётган видеокассета-лар авваллари ерўғаларда яшир-ин тарзда намойиш этиларди. Ҳозир-чи! Умуман эки, шафқатсизлик ва фахш ишлар намойиш этилган касеетлар ёшларимизни фильм қаҳрамонлари каби «енгли-өлпи» ҳаёт кечиршига ундамоқда. Бу ҳол-

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда? ШИФО ЭЛТУВЧИ ЯШИЛ ЧИРОҚЛАР

ТУН яримдан оққан. Шаҳар кўча-ларида жимлик ҳукм суради. Шунда ҳаёлигимизда худди ҳамма хонадонлар-да тиңчилик, хотиржамлик ҳукмрондек туюлади. Аммо кўчани тўдириб, кўк чирокларнинг милтиратганча, шовиб ўтиб кетаётган «тез ёрдам» машинасига кўнгишга тушади-ю қайси-ди хонадонда нотинчлик юз берганини англаб етасиз. Шундагина машина ичиде кетаётган оқ халати шифокор-га, умуман кунини кун, туни-туни де-масдан ўз инсоний бурчини сийдиқил-дан адо этаётган «тез ёрдам» бўлими-лари ҳодимларига тасанноҳан айтасиз. Ҳа, улар ҳақиқий саломатлик посбо-ларидир. Бугунги кунда пойтахтимизда ўнлаб «тез ёрдам» бўлимилари ишлаб турибди. Уларнинг аниқ пайтдаги фаолияти билан яқиндан танишни мақсадида биз Тошкент шаҳар тез ёр-дам бошқармасининг бош ҳақами Иб-роҳим Уринбоев билан мулоқотда бўл-дик.

Иброҳим Зайлиевчи, шаҳар тез тиббий ёрдам бўлимида сўнгги вақт-ларда қандай янгилик ва ўзгаришлар содир бўлди. Шунингдек, бошқарма-нинг бурунги ишлари тўғрисида тўхта-либ ўтсангиз.

Бугунги кунда Тошкент тез тиб-бий ёрдам бошқармасида 16 та бўлим фаолият кўрсатапти. Шуллардан 2 таси махсус ихтисослаштирилган бўлиб, Ми-рробоуд ва Юнусобод районларида жой-лашган. Мирробоуд райониди 10-бўлим-да фақат катта ёшдаги беморларга хизмат кўрсатади. Юнусободдаги 16-сонли бўлим эса ёш болаларга мўл-жалланган. Бундан ташқари фақат 14 ёшгача бўлган болаларга тез тиб-бий ёрдам кўрсатадиган ёрдамчи стан-ция мавжуд.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жокизи, кейинги пайтларда пойтахт-да «Тез тиббий» ёрдам кўрсатиш бў-йича ҳам иқобий ўзгаришлар содир бўлди. Шаҳардаги мавжуд поликли-никалар қоишда тез ёрдам пунктлари-ни ошиша муваффақ бўлди. Ҳозир-ги кунда шаҳримизда 28 та ана шун-дай пунктлар ишлаб турибди. Кейинги пайтларда кўп йиллардан буюн тез ёрдам бўлимидаги врачлар етимиш-лиги масаласи ҳам деярли ҳал этил-ди десак хато қилмаймиз. Чунки тез ёрдам пунктларида мазкур поликлини-каларнинг малакали врачлари хизмат кўрсатапти. Бу ҳам тез тиббий ёрдам соҳасидаги сўнгги янгиликлардан би-ридир.

Бундан ташқари ҳар бир поликлини-ка қоишда кунунаги шифохоналар очилди. Бу шифохоналар ерталаб соат 8 дан кеч 6 гача аҳолига тиббий ёрдам кўрсатади. Шифохоналарда касаллар учун барча шароитлар мав-жуд. Ҳар бир шифохонада 15 тадан 50 тагача беморлар учун ўринлар хо-зиранган. Шу ерининг ўзида иссиқ овнат, жой ва тиббий ёрдам кўрсати-ладиган шў билан бирга поликлиникалар қоишда жарроҳлик бўлимиларини ҳам очганимиз. Бундай бўлимлар баъзи жойларда очилиб, уларда малакали шифокорлар, олимлар касалларни қабул қилишапти. Илгари баъзи бир кичик операциялар учун ҳам 1-2 ҳафталиб шифохонада ётишга тўғри келарди. Эндиликда бундай эмас. Бемор ўзи яшаётган жойда қисқа муддатда шифо топади. Албатта бу ишлар кишилар учун катта қўлайлик туғдирапти, шунингдек давлатга ҳам иқтисодий то-мондан салмоқли қўмақ бўлаяпти.

Албатта, сиз юқорида айтган гаплар тез тиббий ёрдам соҳасидаги катта хайри ўзгаришлар юз бераёт-ганидан далолат беради. Демак жой-ларда тез ёрдам бўлимига муро-жаат қилаётганлар сон ҳам кескин қамайган бўлса керак?

Дарҳақиқат, илгари шароитлар унчалик яхши тиббос эди. Чунки шаҳри-миздаги тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимининг кўпчилиги кўп қаватли йўларнинг биринчи қаватида жойла-шган бўларди. Энди эса бўлимлар ало-ҳида биноларда фаолият кўрсатмоқ-да. Шаҳар ҳокимлигининг ёрдами билан сўнги икки йил ичида 2 та замонавий бино қабул қилиб олдик. Булар пойтах-тимизнинг ҳамма ва Юнусобод райо-нларида жойлашган. Улар тўлиқ рави-шда замонавий тиббёт асбоб-анжомлари билан жиҳозланган. Хуллас буларнинг ҳаммаси аҳолига тез тиббий ёрдам хиз-мати кўрсатиши анча яхшилади. Илгарилари бизларга бир кунда 2,5-3 минг киши мурожаат қилган бўлса,

ҳозирги кунда 1,5—2 мингта беморга хизмат кўрсатишимиз.

«Тез ёрдамга мурожаат қилаёт-ган беморларнинг аксариятин қандай касаллар ташкил қилади ва уларнинг қанчаси шифохоналарга ётизлади?» — Бизга мурожаат қилаётганларнинг асосий қисмини юрак хасталиги, нафас йўлларининг яллиғланиши ва жарроҳ-лик касалликлари (ошқон, ичак яра-лари, кўрчак) билан оғриганлар таш-кил қилади. Бундай касаллар тезли-билан шифохоналарга олиб кетилади. Мисол учун бир кунда 1700 беморга тез ёрдам хизмати кўрсатилса, шулар-нинг 280-300 нафарин албатта шифо-хоналарга ётизлади.

Юқорида қайд қилинган касалликлар учун энг зарур бўлган дорилармонлар бизда етарли. Болаларга тиббий хизмат кўрсатадиган бўлимларда эса фақат бир марта ишлатиладиган доринналар-дан фойдаланилиб келинапти.

Иброҳим Зайлиевчи, тез ёрдам соҳасида ишлаётганларнинг кўчилигини ёшлар ташкил қилар экан. Масалан, Қўйилдаги 12-ёрдамчи станцияда бў-лганимизда Шоймурод Тиловоғ ёш бў-лимига қарамай, катта бўлимига раҳбар-лик қилиб, ишни қўнғилдагидек олиб бораётганининг гувоҳи бўлдик. Ёшлар ҳақидаги фикрингиз қандай?

Тўғрисиини айтиш керак, бугунги кунда тиббётда ҳам ёшлар катта роль ўйнапти. Ҳозирда тез ёрдам бўлим-лари 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган хо-димлар хизмат қилапти. Уларнинг аксарияти ёшлардир. Албатта, улар ишончимизни оқлашга ҳаракат қилиша-пти. Таъкидлаганимиздек, кўпгина бў-лимларда ҳам ёш врачларимиздан Шойму-род Тиловоғ деган йигитимиз раҳбарлик қилади. Бу бўлим Мирробоуд, ҳамма ва Сирғали районларидаги 292 минг аҳо-лига тез ёрдам хизмати кўрсатади. Бў-лимига кунига 140—150 та бемор қа-чурув билан мурожаат қилади. Юқорида айтиб ўтган 3, 18 ва 38-поликлиника-ларда очилган тез ёрдам пунктлари ҳам ушбу бўлимига қарайди.

Дарҳақиқат, ёшларимизнинг олиб бо-раётган ишлари ёмон эмас. Шу ўринда яна бир нарсача тўхталиб ўтмоқчи эдим. Инчунун ёшларга ўз тажрибалари-ни ўргатиб, хизмат қилаётган малакали врач ва фельдшерларини ҳам кўп. Масалан 10-ёрдамчи станциядан Меҳри Қўшимова, Виктор Еремеев, Абдулла Урмонов, Иноят Ёқубов, 14-ёрдамчи станциядан Қаҳҳор Худойбергов, 1-ёрдамчи станциядан Раиса Александровна, А. Толопов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳар соҳанинг ўз муаммолари бўлгани каби тез ёрдам хизмати ҳам бундан мустасно бўлмаса керак?

Жуда тўғри айтдингиз, бизнинг ишимизга тўқинчилик қилаётган муаммо-лар ҳам етарли. Тез ёрдам чарирши ҳоллари кўпроқ кечки пайтга тўғри келади. Чунки кўпгина касалликлар тунда хуруж қилади. Аммо, шаҳримиз районларининг кўпчилиги худудларида қўндалар йўқлиги, кўчаларнинг торлиги, майналар ўтадиган жойларга тўсиқлар қўйиб ташлангани, кўп қаватли бино-ларда, лифтларнинг мунгазам ишлаб турмаслиги, телефон станцияларининг ёмон ишлаши, уларнинг номерларидаги чалқашликлар ёки умуман йўқлиги тез ёрдам ҳодимлари ишида жуда кўп қийинчиликлар келтириб чиқарапти.

Масалан, Акмад Икромов райониди 78, 53, 76, 42, 46, 92-АТСлар жуда ёмон ишлайди. Бу ерда жойланган тез ёрдам бўлимидаги телефонлар ҳам қўндалар ишлаймай қолади. Шунингдек, Сергели-1 даги 31—32 уйлар, Сергели-7 даги 44, 68, 70, Г-24, Г-64 каби кўп қаватли уйларда лифтлар ишлаймай-ди. Сергели-8 даги 77, 80, 81-уйлар-нинг йўлакларидеги чироклар йўқ. «Спун-

* Олама машхур обидалар

МИНГ ЙИЛ ЁТГАН ҲАЙКАЛ

Олд Осие ҳамда Сурия ҳукмдори Деметрий Полиоркет Родос шаҳри аҳолисини бўйсундириш учун замонасининг энг мукамил куроли — тош отадиган туллари миша солди. Ҳукмдорда яна бир қамал куроли — Геллеополида, яъни душман имига ёриб кирувчи мисора, осма кўприк ҳамда шаҳар инкасарини қўшин ташлашга мослаштирилган гаройиб қурилма ҳам бор эди. Бу қурилмани уч минг тўрт юз одам ҳаракатга келтирар эди.

Полиоркет оролни қўлга киритолмай чекинар экан, мўъжизакор қурол бўлиши Геллеополидани бу ерда ҳеч қандай нафи тегмагани учун қолдириб қетди. Сарқарда Родосни ташлаб кетгач, ўзга мамлакат савдогарлари ушбу куролини катта миқдордаги пулга — уч юз талантга баҳолашди. Геллеополида хазинани бойитиш билан бир қаторда шаҳарга катта шухрат ҳам келтирди. Шаҳар аҳолиси ушбу пулларга Родоснинг ҳомийси — афсонавий Гелиосга ҳайкал ўрнатилган қарор қилишди. Чунки ерли халқ ривоятига кўра Родос ороли Гелиос маъбудининг худого қилган илтиколари иккибўт бўлиб, денгиз тубидан ўсиб чиққан экан.

Ута маъсулятли бу иш Харес деган ҳайкалтарошга топширилди. Уни тиклаш учун бир-бирига бақувват темир тўсиқлар билан улганган учта тош устун ўрнатилди.

Ушбу устунларга темир ёпиштирилиб устидан қандекорлик усулида ишланган бронза қолланди.

Ҳайкал денгиз бўйидаги оқ мрамардан ишланган шоҳсула устида қад ростлай бошлади. Бирок ўн икки йилгача уни ҳеч ким қуролгани йўқ, чунки иш жаравида устунларнинг оёғи остига тўкилган туپроқ уюми ҳайкални пойма-пойма қўйиб борарди. Фақатгина машаққатли меҳнат тугаб, туپроқ уюми суриб ташлангач, родосликлар бошини гўлтоб безаб турган ўз ҳомийларининг улугвор қўйғусини қўришга мушарраф бўлдилар. Кўп ўтмай ҳайкалнинг доғури оламини тўтиб қетди. Бирок ордан ярим аср вақт ўтгач юз берган қаттиқ зилзила ҳайкални ер парчин қилди. Родосликлар уни қайта тиклашга қанчалик уринишмасин барча ҳаракатлари зое кетди.

Ушбу ёдгорлик шу тахлит сўйхларнинг эътиборини жалб этиб, кўрғазда қолиб кетарди. Айтишларича, ҳайкал бош бармоғининг даҳми киши кучоғига сиймайдиган даражада баҳайбат ишланган экан. У шу ерда яна минг йил ётди. Ниҳоят 977 йили бир савдогар ҳайкални мамлакат ҳокимининг розилиги билан сотиб олди. Савдогар маъбудани маъдалаб, тўққиз юз тугага ортиб кетган экан.

Абдураҳимов.

* Мусаввир мўйқалами сەҳри

КАТТА САНЪАТ СИРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН мусаввирлар уюшмасининг кўрғазмалар залида танили мўйқалам соҳиб, халқ рассоми, Ҳамза мукофоти совриндори Ғафур Аҳмедов таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан у яратган асарлар намойиш қилинмоқда. Йиллар давомида чизган ўйлаб санъат асарлари халқимизнинг шу даврдаги тарихини акс эттирди. Даврнинг олимлари, актёрлари, санъаткор, ижодкорларидан тортиб дехкону чўпон, оддий одамларгача мусаввирнинг эътиборидан четда қолмайди. Кимнинг

расмини чизишдан қатъи назар у шахсининг ички дунёсини, муҳитга ва даврга муносабатини, ҳолатини ва хатто уни ўраб олган борлиқни намойиш қилишга муваффақ бўлади. Санъат шайдоларининг қуйидаги фикрлари шу гапларимизга мисол.

○ Улуғбек Юсуфалиев,
Низомий номли Тошкент

давлат педагогика олийгоҳининг бадий графика куллиети 4-курс толиби:

— «Ўғил бола» расмига эътибор беринг. Қанчалар моҳирлик билан ифодаланган! Жазирама офтобда қўй ва эчкиларни боқиб юрган болаканинг юзлари иссиқдан худди тандирдан чиққан ширмой нон мисол қизариб кетган. У ёш ўс-

мир бўлишига қарамай нигоҳларида ҳаётнинг, тиркичкиликнинг ташвишлари из қолдирган. Расмга жуда яқин келиб тикилсангиз ҳам кўзларидики ҳолат худди фотодагидек аниқ-таниқ ифодаланган, бурни атрофидаги ва даҳани тағидаги соялар масофаси рангларда жуда усталик билан берилган.


гал ҳаяжондан эпиткаман, Нуруний аёлнинг фақат боқинмас, қўллари, ундаги ажинлар ва излар захматкаш ва шу билан бирга бахтли инсоннинг кўрган-кечирган ташвишларини, боқинлигини, шарқона пурвиқорлигини, яна одамзод ҳис-туйғуси билан элас-элас илғайдиган... ва барибир тағига етолмайдиган маънони ифодалайди. Мусаввир рангларни шундай ёрқин танлайди-ки, унда инсон характери, теварак-муҳит яқол кўзга ташланади. Бу жуда катта санъатдир!

Султон ЮЛДОШЕВ.
СУРАТЛАРДА: кўрғазмага қўйилган асарлардан намуналар.

○ Илбехон Бахтиёров,
метамор:

— «Она хаёли» портрети-томоша қилганда ҳар

Андрей Пиншенко суратлари.



ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

ЯҚИНДА теннис бўйича «Экспресс» йўл кенгашининг биринчилиги бўлиб ўтди. Катнашчилар яқка тоғфада беллашди. Аёллар ўртасида Ольга Наумова (Тошметрополитен) голиб чиққан бўлса, голиблик шоҳсупасининг иккин-

чи ваучинчи ўринлари урганлик Телера Ашурова ҳамда Светлана Декретга (Тошметрополитен) nasib эди.

Эркалар беллашувида Рустам Ҳайдаров (Тошметрополитен) биринчилиги голиби бўлди. Кўзонлик теннисчилар Ген-

надий Плексин ва Сергей Финдлар мос равишда иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Исак БИРБАҒЕР,
спорт устаси.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖКОРАТ ЖАБАРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Туркестай Интернейшнл» қўшма ўзбек-турк корхонаси тикувчи-мотористкаларни ишга таклиф этади.

Меҳнат ҳақи — ишбай.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ясний даҳаси, «Майший хизмат уйи» бекати.

ТЕЛЕФОНЛАР: 48-29-31, 48-56-91.

«Туркестай-Интернейшнл» қўшма корхонаси «Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ Х. З. КАЛОНОВ НОМЛИ ОЛИЯ ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

Янги ахборот технологиялари (ЯАТ) ва бошқарувни ҳужжатлар билан таъминлаш (БҲТ) соҳаларига доир касбларни эгалламоқчи бўлган барчага

педагогик технологиянинг янги шакллари, таълимнинг янги тизими (интеграл ва кўп бошқарили ўқув режалари, яқка тартибдаги ўқув режаси таркибига кирувчи фанларни танлаш, фанлар бўйича синов мулоқотларини ўтказиш, руҳшунослик-педагогик таълим ва ҳоказолар)ни

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

Узлуксиз касбий таълим тизими олий ҳунар билим юртининг бош қондасидир. Таълимнинг ҳар бир йили — бу эгалланган касб-ҳунар ва ўз билим ҳамда иқтидорини халқ хўжалигига бахшида этиш мақсадида ишлаб чиқариш сари йўл олиш имконияти демаскир. Ҳар бир йил навбатдаги таълим бошқичининг танловида иштирок этишдир.

Билим юрти ўз ўқувчилари ва талабаларига янги ахборот технологиялари ва бошқарувни ҳужжатлар билан таъминлаш соҳасида ишчиликдан муҳандисликкача бўлган бир неча мутахассислик малакасини эгаллаш имкониятини яратиб беради.

Ўқиш муддати — 1 йилдан 6 йилгача.

Ўқишга Тошкент шаҳрида қайд қилинган, ўрта мактабларнинг 9 ва 11-синфларини битирган шахслар қабул қилинади. Ўқиш — ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Танлов саралашни 3 бошқичада ўтказилади:

1-бошқича — 12, 13, 14 августда —

янги ахборот технологиялари учун — хусусий ЭҲМда математика, бошқарувни ҳужжатлар билан таъминлаш учун — диктант.

2-бошқича — 15, 16, 17 августда — хусусий, ЭҲМда мантиқий синов мулоқотлари.

3-бошқича — 18, 19, 20, 21 августда — руҳшунослик-педагогика синов мулоқотлари.

Маслаҳат машғулотлари — 1—10 август кунлари ўтказилади.

Билим юртига қабул қилишда саралашнинг барча бошқичларида тўпланган рейтинг натижалари асосий мезон ҳисобланади.

Ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700084, Тошкент шаҳри, Ҳуршид кўчаси, 45-уй (10 «э», 85 «э», 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко номли илмгоҳ» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-24-18, 34-55-73.

СОВЕТ-АМЕРИКА ҚўШМА МУАССАСАСИ

SOVIET-AMERICAN JOINT VENTURE

ИНВАРИАНТ

«Инвариант» қўшма муассасаси ишбилармонларга, бизнесменларга, корхона раҳбарларига

Янги хизматлар турларини тақлиф қилади:

- Беш хил рангдаги А3, А4 формати билан муҳри махсус бланклар, турли кўринишдаги эълонлар, йўл кўрсаткичлари, кўрғазма рўйхатлари, турли кўринишдаги ҳисоботлар, керакли ҳужжатлар ва режалаштирилган адабий информациялар (хабар) тайёрлайди.
- Тайёрлаш муҳлати - буюртма расмийлаштирилгандан сўнг 72 соат мобайнида.
- Юқори малакали ходимлар сизларга макетнинг асл нусхалари, совдо ва фирма белгилари, логотипларни қайта ишлаб берадилар. Яна Сизларга ўзбек, ўрус, инглиз ва араб ҳарфларининг турли кўринишдаги ёзилишларини (шифрлари) тақлиф қиламиз.
- Бажараладиган ишлар бажарувчи ва буюртмачиларнинг материалларидан (хомашё) тайёрланади.

Булардан ташқари муассасамиз:

- тегишли нишонлар акс этдирилган ва танланган ҳарф турлари билан муҳрлар (300 минг босма нусхалар каффиллиги билан);
- визит карточкалари;
- тери, пластмасса, мато ва бошқа турдаги материалларга қиздириб босиш усуллари билан тайёрланган буюм нишонлари ва муассаса нишонлари;
- турли ранглар берилган муассасалар нишонини, ёдгорлик буюмларига ёзувлар тайёрланади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700003, Тошкент, Олмазор кўчаси, 15/2-уй ("Навруз" никоҳ уйи қаршиси) Иш вақтлари: ҳар кун 10 дан 19 гача, шанба ва яқшанбадан ташқари.

Мурожаат учун телефонлар: 45-98-16, 45-98-36

«ТАШТЕПЛОКОМ-МУНЭНЕРГО»

ишлаб чиқариш бирлашмасининг

Транспорт ва механизмлар корхонасига

4, 5, 6-даражали экскаватор машинистлари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — 2000 сўмдан 2500 сўмгача вақт бай-мукофотли.

Қулай ва шинам ётоқхона, Чимёнда дам олиш маскани бор, 3 йил мобайнида навбат тартибда уй олиш мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, 5-Қўйлиқ даҳаси, Файзобод кўчаси, 46-уй.

ДИҚҚАТ!

Уста Ширин кўчасида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиши муносабати билан

17 июнь соат 9.00 дан 18 июнь соат 24.00 гача Марказ-17 ва Марказ-18 мавзеларида ва О. Бобо-жонов кўчасида

иссиқ сув таъминотини узиб қўйиш мўлжалланмоқда

Маълумотлар олиш учун телефон: 33-32-32. «Таштепелосеть» корхонаси.

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

10-ҳунар-техника билим юрти

1992—1993 ўқув йилига

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Яқка буюртмалар тикувчи-бичиқчилар, ўқиш муддати — 1—3 йил;

кенг ихтисосли сартарошлар, ўқиш муддати — 1 йил;

ошпаз-қандолатчилар, ўқиш муддати — 1—3 йил;

музлатгичлар тузатиш усталари, ўқиш муддати — 3 йил;

сотувчи-буфетчи, ўқиш муддати — 1 йил;

кенг ихтисосли сураткашлар, ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртига 9—11 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

9-синф ҳажмида маълумотлилар бепул овқат, кийим-бош, 40—50 сўмлик нафақа билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотлилар ойнага 388—460 сўм нафақа билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, соғлиги ҳақида маълумотнома, турар жойидан маълумотнома, 3х4 см. ўлчамли 6 дона фотосурат.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов ноҳияси, 1/2 Қорақамиш даҳаси, 20-уй. (42, 43 «э», 56, 93-автобуслар; 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати, 7, 10-троллейбусларнинг охириги «1/4 Қорақамиш» бекати, 82-автобуснинг «1/4 Қорақамиш» бекати).

Нефть ва газ конларининг геологияси ҳамда қидиру ишлари илмгоҳи жамоаси институт илмий ходими С. Илҳомова онаси


Адолет ИЛҲОМОВАНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ф. Энгельс номдаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика олий билимгоҳи жамоаси сирти ва кенчи факультетлар иқтимоий фанлар кафедраси мудири, доцент М. Йўлдошевага онаси

Мунаввар КАРИМЖОНОВАНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун 10 дан 19 гача, шанба ва яқшанбадан ташқари.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 32-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.